



## АДАБИЁТ ДАРСЛАРИДА ШЕРЪИЙ САНЪАТЛАРНИ УРГАНИШ.

**Парпиева Хадийжа**

*она тили уқитувчиси. ТАТУФФ*

**Аннотация:** *ушбу мақолада адабиёт дарсларида шерий санъатларни урганиш хақида езилган. Хар бир уқитувчи узи тугри ва хак йулни танлаб уз устида ишлаши лозимлиги айтилган.*

**Abstract:** *this article focuses on the study of poetic arts in literature classes. It is said that every listener should work on the right and wrong way.*

**Аннотация:** *данная статья посвящена изучению поэтического искусства на уроках литературы. Говорят, что каждый слушатель должен работать правильно и неправильно.*

**Калит суз:** *адабиёт, устоз, дарс, шерият.*

**Ключевые слова:** *литература, преподаватель, урок, поэзия.*

**Key words:** *literature, teacher, lesson, poetry.*

Адабиёт ўқитиш бошқа фанларни ўқитишдан анчайин кескин фарқ қилади. Шунга кўра уни фан сифатида қарайдиганлар бир гуруҳни ташкил этса, адабиёт ўқитишни санъат тури сифатида баҳолаб, адабиёт ўқитувчисининг ишини ҳам санъаткорона бир иш сифатида баҳолайдиганлар кам эмас. Демак, улар адабиёт ўқитиш методикасини ҳам санъат билан тенглаштиришади. Амалиётчилик нуқтаи назаридан қарайдиганлар эса адабиёт ўқитиш методикасини дарсларнинг ўтилишига бевосита ёрдам берадиган, хар бир дарснинг яхши ва самарали бўлишига амалий кўмак бера оладиган соҳа деб билишади. Адабиёт ўқитиш методикаси биринчи навбатда адабиёт ўқитишнинг, яъни адабий таълимнинг мақсади ва мазмуни ҳақидаги фандир. Маълумки, адабиёт таълимнинг турли босқичларида худди бошқа предметлар каби ўсиб келаётган авлод – ўқувчиларга мўлжалланган. Таълим жараёнидаги барча фанларнинг асосий мақсади ва моҳияти ўқувчиларда – ўсиб келаётган ёш авлодда муайян соҳаларга оид билимларнинг асосларини шакллантириш, шуларнинг негизида уларнинг бой маънавий оламини яратишдан иборатдир. Бу вазифани амалга оширишда бадий адабиёт билан тенг келадиган бирорта соҳа йўқ деб айта оламиз. Бадий адабиёт 7 алоҳида шахсга ҳам, бутун жамиятга ҳам еучли даражада таъсир кўрсата олиш имконига эга. У жамиятнинг ўз-ўзини англашида, уни инсонпарварлаштиришда бекиёс имконларга эга. Адабиёт ижтимоий онгнинг кўринишларидан бири сифатида ўзида халқ хотирасини мужассамлаштиради, унинг ахлоқий маънавий қадриятларини асрлардан асрларга, аждодлардан авлодларга олиб ўтади. Шунга қарамай, бадий адабиётга бўлган муносабатларнинг ҳам ниҳоятда хилма-хиллигини, уларнинг орасида «бевосита нақд фойда»ни кўзлаб ўқиш тамойилларининг ҳам мавжудлигини эътироф этишга тўғри келади. Буни адабиётшунос Д.Қуронов шундай ифодалаган: «Ҳозирги кунда, таассуфки, бадий



асарга ноижодий ёндашиш ўқувчи омманинг аксариятига хос бўлиб қолаётир. Кўпчилигимиз бадий асарни маънавий-руҳий имкониятларимизни кенгайтириш эҳтиёжи билан эмас, кўпроқ ҳордиқ чиқариш нияти билан ўқийдиган бўлиб қоляпмиз. Дўконларимизда ялтироқ муқовали, олди-қочди гапларга тўла китоблар салмоқининг ортиб бораётгани ҳам шундан далолат беради. Тоталитар ёндашув натижасида кўпчилик асардан воқеа кидиради, бу тоифа учун «Ўткан кунлар» Отабегу Кумушнинг саргузаштларидан бошқа нарса эмас, «Қутлуғ қон» - Йўлчи билан Гулнор севгиси-ю бир аблаҳ бойнинг тўғаноқ бўлиши, холос...- хуллас, биз воситани мақсад деб тушунадиган бўлиб қолаяпмиз» Педагогик психология кишига таълим ва тарбия беришнинг психологик қонуниятларини ўрганишни ўз предмети деб билади. У ўқувчиларда тафаккурнинг шаклланишини тадқиқ қилади, ақлий фаолият усуллари ва кўникмаларини ўзлаштириш жараёнини бошқариш масалаларини ўрганади. Методика психология фани маълумотларига таяниб ўқитишда ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиб ёндашиш имкониятига эга бўлади. Она тили ўқитиш методикаси психоллингвистика фани билан ҳам узвий боғлиқдир. Психоллингвистика методикага нутқ ҳақида - фикрни баён қилиш турларини белгиловчи омиллар, “нутқни қабул қилиш сигналлари” аппарати, индивидуал муносабатга ва оммавий алоқага нутқий таъсирнинг фойдаси ҳақида маълумот беради.. Она тили методикаси умумий педагогика билан ҳам ўзаро боғланади. Мактаб таълимидаги ҳар бир ўқув предмети, шу жумладан она тили ҳам, фақат билим бериш, кўникма ва малака ҳосил қилиш билангина чекланмай, боланинг онгини ошириши ва тарбиялаши ҳам зарур. Ҳақиқатдан ҳам, она тили ўқитиш жараёнида болаларнинг дунёқараши шаклланади, билиш қобилиятлари ўсади, улар ақлий, ахлоқий, эстетик томондан ривожланади, характерида маълум ижобий хусусиятлар юзага келади, меҳнат қилишга ўрганади ва ҳоказо.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Сафо Матжон. Мактабда адабиётдагн мустақил ишлар. – Т.: Ўқитувчи, 1996, 19-бет. 75.
2. Степанов Г.В. Содержательный и формальный аспекты в литературно-критическом анализе художественного произведения. – Язык и стиль писателя в литературно-критическом анализе художественного произведения. – Кшинев, «Штиинца Кишинев», 1977, с.3. (Мақола 3-12-бетларда)
3. Қосимов Б. Оқ тонглари орулаган шоир. – Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 2 жилдлик. 1-жилд, Шеърлар,
4. Н. Каримов., У. Норматов. Адабиёт 5-синф учун .- мажмуа. - Т.: Уқитувчи, 2000, 352 бет.